

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Норин туман суди биносида, судья Т.Мелибоев раислигида, судья ёрдамчиси Д.Назаров котиблигида, давлат айбловчиси Норин туман прокурори катта ёрдамчиси Б.Махмудов, судланувчининг ҳимоячилари “Umurzakov Abdulxafiz Ibragimovich” адвокатлик бюроси адвокати А.Умурзаков, “International Advocates” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Исमतов иштирокида, судланувчи [REDACTED] нисбатан юритилган 1-1605-2601/30-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

[REDACTED] 1994 йил 28 февралда Наманган вилояти, Норин туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2014 йил 22 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилиб, 2013 йил 12 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;
2. Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2015 йил 29 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;
3. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2015 йил 23 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2020 йил 29 апрелдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 5 йил 5 ой 20 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;
4. Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2021 йил 5 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан 2 йил, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 3 йил озодликдан маҳрум қилиш



жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2022 йил 6 июлдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 19 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2023 йил 26 октябрдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 2 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

5. Жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2024 йил 14 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 2 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, мазкур жазодан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 6 ой 10 кун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ўталмаган, Норин туманидаги “Абрус 777” МЧЖда ёрдамчи ишчи бўлиб ишлаган, Наманган вилояти, Норин тумани, “Бобур” МФЙ, Низомий кўчаси, 1-уй, 5-хонадонда яшаган, 2025 йил 18 декабрдан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларни таҳил қилиб, уларга тегишли баҳо бериб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи „.....“ илгари бир неча марта жиноятлар содир этгани учун судланиб, жазо ўтаб келаётганидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан қасддан яна жиноят содир этиш йўлига кириб, ўзининг яшаш жойи Норин тумани, “Бобур” МФЙ, Низомий кўчаси, 1-уй, 5-хонадонга туташ ҳолда қуриб фойдаланиб келаётган ёрдамчи хонада 2025 йил 9 декабрь куни соат 21.30 ларда танишлари „.....“ „.....“ „.....“ билан тўпланиб, қимор ўйнаш учун





ўйнаб ўтирганлигини, ёнларида пуллари ҳам бўлганини кўриб, уларга қимор ўйнамасликни, қимор ўйнашса чиқиб кетишларини айтгани, шунда меҳмонлар эшикдан бирин-кетин чиқиб кетишаётганида улар томонга бегона шахслар келишаётганлигини кўришгани, ёрдамчи хонаси эшигини ёпиб бўлганидан бу ерга ИИБ ходимлари югуриб келишгани, шунда „.....“ ўзи кейин таниган „.....“ ва „.....“ қочиб кетишгани, ИИБ ходимлари қочиб кетганларни қувлаб, бироздан кейин „.....“ни ушлаб келишгани, қолганлар бу ердан қочиб кетгани, ИИБ ходимлари ўзи очиб берган хонани кўздан кечиришгани, хонадаги ярим ичилган коньяк, ўйин карталарини, дўкондан олиб келган нарсалари учун тўплаб, унга бериш учун стол устига қўйиб қўйишган пулларни, бундан ташқари уни ва „.....“ни кийими чўнтакларидagi пулларни олиб, ИИБ биносига олиб боргани ва хужжатлар расмийлаштиришгани, шу куни уйда қимор ўйини ташкил этмагани, меҳмонларни қимор ўйнаётганини кўриб, уларга уйдан чиқиб кетишини айтгани, чўтал олмагани, меҳмонлардан дўкондан олиб келган нарсалари учун пул олгани, ундан ва „.....“дан пуллар ИИБ биносига олигани, кейин уйини кўздан кечириш учун иккинчи марта боришганида уйда ҳеч қандай қимор ўйини бўлганлигини тасдиқловчи нарсалар бўлмагани, хонага ИИБ ходимлари ўзлари пуллар ва карталарни ташлаб қўйиб суратга олишгани, ишни қонуний ҳал қилиб, унга нисбатан адолатли ҳукм чиқарилишини сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ „.....“ судда, „.....“ билан ёшлигидан таниш экани, онда-сонда уни яшаш хонадонидagi алоҳида хонада овқат пишириб, бирга спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтиришлари, 2025 йил 9 декабрь куни соат 18.00 ларда „.....“га қўнғироқ қилиб, уни уйда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, дам олиб ўтиришни айтгани, „.....“ уйда бир ўзи экани, кечга бориши мумкинлигини билдиргани, кейин Ҳаққулбод шаҳри марказидagi спиртли ичимлик дўконига кириб спиртли ичимлик сотиб олаётган вақтида эски танишлари „.....“ ва „.....“ни кўриб қолгани, улар билан бирга бироз ўтириб, „.....“ни уйда ўтиришларини айтиб, бирга соат тахминан 21.00 ларда „.....“ни уйига боришгани, хонага кирган вақтларида уйни электр иситгич билан иситиб, уларни келишига тайёрлаб қўйилганини билгани, хонада спиртли ичимлик ситеъмол қилб ўтирган вақтларида „.....“нинг таниши „.....“ кириб келиб уларга қўшилгани, спиртли ичимликдан маст бўлиб қолишгани учун „.....“ хонада уларга олиб берган картада ўртага пул тикиб қимор ўйини бошлашгани, „.....“ овқат пишириб келганида овқатни еб ўйинни давом эттиришгани, бир вақт ташқарида турган „.....“ хонага шошиб кириб, ташқарида бегона одамлар уларни олдига келаётганлигини, тезда нарсаларни йиғиштириб хонадан ташқарига чиқиб кетишларини айтгани, шошилиб ҳар ким ўртадаги пулини олиб



ташқарига чиқиб кетгани, кўчада бироз тоза ҳавода айланиб, кайфи тарқаганидан сўнг ИИБга келиб, ,,ни уйда қимор ўйнашгани ҳолати юзасидан билган нарсаларни айтиб бергани, шу куни ,,га қимор уйинидан чўтал бермагани, унга бошқа нарса учун ҳам пул бермагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ ,, судда, ,, билан 2025 йил август ойида Норин тумани ИИБ пробацция бўлимига келган вақтида танишгани, 2025 йил 9 декабрь куни таниши ,, билан Норин тумани Ҳаққулобод шаҳрида кўришиб, “Оила маркет” ёнида жойлашган ошхонада шашлик еб спиртли ичимлик истеъмол қилишгани, шунда ,,дан пул сўрагани, ,, бир жойга боришлари, ўша жойда пул бўлишини айтгани, кейин танишлари ,,га кўнғироқ қилиб, уни яшаш хонадонига боришмоқчи бўлишгани, сўнг ,, билан бирга Норин тумани, “Бобур” маҳалласидаги кўп қаватли уйлар тагида жойлашган ,,нинг хонадонига боришгани, уларни кутиб олган ,, билан хонага киришганида бу ерда “ДБК” номли карталар борлиги, келишларига жой қилиб, хона иситиб қўйилганини билишгани, шериклари билан бирга ўтириб ўзлари билан олиб келган ароқни истеъмол қилишгани, уларни ортидан таниши ,, ҳам келгани, ,, хонадаги коньякни истеъмол қилиб ўтиргани, қолганлар ароқ ичишгани, бироз вақт ўртага пул ташлаб картада қимор ўйнашни бошлашгани, жойни эгаси ,, чой дамлаб бериб, хонадан ташқарига чиқиб келиб тургани, соат тахминан 22.30 лар чамасида ,, ташқаридан кириб, бегона шубҳали одамлар уни уйи томонга келаётганлигини, ўртадаги карта ва пулларни йиғиштириб, хонадан чиқиб кетишларини айтгани, шунда ҳамма шошилиб хонадан чиқиб кетгани, ўртадаги пул ва карталардан қўлига кирганини олиб ташқарига чиқиб қочгани, маст ҳолатда бўлгани сабабли узоққа кетолмагани, уни ИИБ ходимлари ушлаб, ,,ни уйига олиб келишгани, бу ердаги карта ва қолиб кетган пулларни, кейин уларни ёнидаги пулларни олишгани, кейин ИИБ биносига олиб бориб тегишли ҳужжатлар расмийлаштиришгани, шу куни ,,га қимор уйинидан чўтал бермагани, бошқа нарса учун ҳам унга пул бермагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ ,, судда, таксичилик қилиб юрган ,, билан икки йил олдин кўчада танишиб қолгани, 2025 йил 9 декабрь куни таниши ,, билан Ҳаққулобод шаҳрида учрашиб спиртли ичимлик ичишгани ва шашлик истеъмол қилишгани, бироз маст бўлиб қолганларидан сўнг таниши ,, кўнғироқ қилиб, Норин тумани, “Бобур” МФЙда яшовчи ,,ни яшаш хонадонига қимор ўйнашларини айтгани, шунда ,, билан бирга “Бобур” маҳалласидаги кўп қаватли уйлар тагида ташқи томондан кириладиган чойхонасифат қилиб қурилган ,,га тегишли жойга боришгани, хонага киришган вақтида уй иситиб, хонтахтага спирти ичимлик ва чой





Гувоҳ ,,,,,,,,,,,,,, судда, ҳар замонда дўконга келиб савдо қилиб турувчи ,,,,,,,,,,,,,,ни таниши, 2025 йил 9 декабрь куни соат 21.00 ларда дўконда турган вақтда ,,,,,,,,,,,,,, келиб 3 қути “ДБК” ўйин карталарини 30.000 сўмга сотиб олиб дўкондан чиқиб кетгани, ,,,,,,,,,,,,,, кетганидан кейин ҳам дўконда ўзининг савдо ишлари билан шуғуллангани, 2025 йил 15 декабрь куни Норин тумани ИИБ ходимлари ИИБ биносига келишини айтиб чақиришгани, ИИБга келганида унга ,,,,,,,,,,,,,,ни суратини кўрсатиб, уни дўконига кириб савдо қилган ёки қилмаганини сўрашганида, уларга ,,,,,,,,,,,,,,ни таниганлигини, унга дўконига келганида 3 қути ўйин карталарини сотганлигини айтиб бергани, шу ерда ,,,,,,,,,,,,,, ундан сотиб олиб кетган карталарда ўзини яшаш хонадонига танишлари билан бирга қимор ўйнаганлигидан хабар топгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, ички ишлар тизимида 2020 йил июль ойидан буён хизмат қилиб келиши, ҳозирда Норин тумани ИИБда тезкор вакил лавозимида ишлаши, 2025 йил 9 декабрь куни Норин тумани, “Бобур” МФЙ, Низомий кўчаси, 1-уй, 5-хонадонда яшовчи ,,,,,,,,,,,,,, яшаш хонадонига қиморхона ташкил қилиб, фуқароларга қимор ўйини ўйнаш учун шароит яратиб бераётгани ҳақида келиб тушган маълумотга асосан туман ИИБ бошлиғи номига билдирги орқали маълум қилиб, тезкор тадбир ўтказиш бўйича рухсат олгани, сўнг шу куни ҳам қимор ўйини ташкил этилгани бўйича тезкор хабар асосида ҳодиса жойига ИИБ ходимлари ва холислар билан бирга боришгани, ,,,,,,,,,,,,,, яшаш хонадони орқа томонида жойлашган, ўзига тегишли омборхона сифатида қуриб фойдаланиб келган бинода одамлар борлигини билиб, ушбу хонага кириш мақсадида кўчадан пиёда яқинлашаётганларида, кўчада турган ,,,,,,,,,,,,,, уларни узоқдан кўриб қолиб хонага кириб кетгани, сўнг хонадан бир нечта фуқаролар югуриб чиқиб, кўп қаватли уйлар томонга қочишгани, ходимлардан бир қисми уларни ортидан қувлагани, хизматдоши Б.Тўйчиев билан бирга ,,,,,,,,,,,,,,ни олдига бориб, хонадан чиқиб қочиб кетганлар кимлигини сўраганида, ,,,,,,,,,,,,,, уларни танимаслигини айтгани, ,,,,,,,,,,,,,, хона эшигини қулфлаб қўйгани учун хона эшигини очишини айтиб, кейин хона ичини кўздан кечирганларида, хонада ярми ичилган спиртли ичимлик идишлари, хонтахта устида чой ва овқат қолдиқлари, полда тўшаклар солиниб “ДБК” номли ўйин карталари сочилиб ётганини кўришгани, хонада ва тўшаклар остини кўтариб кўришганида пуллар қолиб кетганлигини билишгани, хонадон эгаси ,,,,,,,,,,,,,,дан бу ерда нима бўлганлигини сўрашганида, ,,,,,,,,,,,,,, танишлари қимор ўйнаганини айтгани, шу вақтда кўчадан қочиб кетганлардан бири ,,,,,,,,,,,,,,ни ИИБ ходимлари ушлаб олиб келишгани, кейин бу ҳолатни ва хонани суратга олишгани, ,,,,,,,,,,,,,,ни ёни кўздан кечирилганда уни ёнидан 279.000 сўм пул борлиги аниқлангани, ,,,,,,,,,,,,,, бу пулларни бир қисми чўтал пули эканлигини айтгани, ,,,,,,,,,,,,,,ни ёни кўздан



кечирилганида уни ёнида ҳам 355.000 сўм пул борлиги аниқлангани, пуллар ва хонадаги барча ўйин карталари олиниб, ҳужжатлаштириш учун имконият бўлмагани учун ИИБ биносига келишгани ва нарсаларни олиш тўғрисида тегишли баённомалар тузилгани, шу куни .....нинг уйига бораётганларида ёмғир ёққани ва қимор ўйнаётганлар қочиб кетгани учун югуришига тўғри келган вақтда ўзида бўлган қоғоз ва бланка ҳужжатлари сув ва лойга тушиб кетгани, шу сабабли ҳужжатлаштириш ишларини ИИБ биносига келиб амалга оширганлари, сўнг бу ҳолат юзасидан барча гувоҳ ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олиниб иш ҳужжатларига қўшилгани, .....дан тушунтириш олаётганида уни кўрсатмаларини ўзининг “Samsung Note 10+” русумли телефон аппаратида видеотасвир ва аудиоёзувга олиб қўйгани, ҳолатни ҳужжатлаштириш юзасидан ИИБ бошлиғи номига ёзган билдиргисини Норин тумани ИИБ НҚ Е-material тизимига киритиш учун навбатчига тақдим қилганида шу куни электрон тизимда носозлик бўлгани учун орадан бир кун вақт ўтиб рўйхатга олингани, шу куни иштирокчилар қочиб кетганлиги учун ҳолатга тўлароқ ойдинлик киритиш мақсадида терговчи билан ҳодиса жойига борилиб кўздан кечирилгани ва баённома тузилгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, 2025 йил 9 декабрдан 10 декабрга ўтар кечаси ИИБ ходимлари бир ишда ҳолис тариқасида қатнашиб бериши учун ИИБ биносига чақиришгани, бу ерда ўзи кейин таниган .....нинг ёнидан чиққан пул ва ўйин карталарини олиш тўғрисида баённома тузишда ҳолис бўлиб иштирок этгани, баённомага нималар ёзилгани тўлиқ хотирасида қолмагани, ИИБ ходимлари қимор ўйнашаётган вақтда ушланганини айтишгани эсида қолгани, кейин бинонинг иккинчи қаватида .....нинг ёнидан чиққан пулларни олишда ҳам иштирок этишгани ва тузилган баённомага имзо қўйишгани, бундан ташқари .....нинг яшаш жойига, уни кўп қаватли уйига яқин жойга қурилган бир қаватли хонага ҳам боришгани ва ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этишгани, бу ерда хонага киришганида, хона йиғиштириб тозаланиб тўшаклар солиб қўйилганини, хонтахта устида ярми ичилган шиша идиш турганлигини кўришгани, бундан бошқа нарсалар бўлмагани, ИИБ ходимларидан қимор ўйини шу ерда бўлганлигини эшитгани, бу иш бўйича бошқа нарса билмаслиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, Норин тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмасида суриштирувчи бўлиб ишлагани, .....га нисбатан ЖК 278-моддасининг 1-қисми билан кўзғатилган жиноят иши юзасидан тергов гуруҳига жалб этилиб, айрим тергов ҳаракатларини олиб боргани, бу иш бўйича ҳодиса жойига бормагани, уни бошқа терговчи [REDACTED] кўздан кечиргани, ўзи тергов гуруҳи аъзоси сифатида баъзи шахсларни сўроқ қилиш ва бошқа тергов ҳаракатлари олиб боргани, иш





далиллар, шунингдек ,,нинг ўзини терговга қадар текширув даврида ёзиб олинган видеотасвирлари ва аудиоёзувлари билан инкор этилишини инobatга олиб, унинг кўрсатувларини судни чалғитиш ва жавобгарликдан қочиш мақсадида ўйлаб топган асоссиз важлари сифатида танқидий баҳолайди.

Дастлабки тергов органи томонидан ,,нинг қонунга хилоф равишда қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишда ифодаланган қилмиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, ,,га жазо тайинлаш масасини муҳокама қилиб, унинг содир этган жиноятини қасддан содир этилган оғир жиноят, шу билан бирга айбига қисман иқрорлигини, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, муқаддам судланиб жазо ўташ даврида яна қасддан жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топади.

Суд, ,,га жазо тури ва миқдорини белгилашда, содир этган жиноятини ижтимоий хавфлилик хусусияти ва оғирлик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инobatга олиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазо ўташ даврида яна қасддан жиноят содир этганини инobatга олиб, ЖКнинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2024 йил 14 июндаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган жазоларни тўлиқ ва қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни, ЖКнинг 50-моддасига асосан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ тартибли колонияларда ўташини белгилашни лозим топади.

Суд, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, қимор ўйинига тикиб ўйналганлиги учун баённома орқали олинган ва дастлабки тергов даврида АТ “Халқ банки” Наманган вилоят филиалига сақлаш учун топширилган 759.000 сўм пулларни давлат фойдасига мусодара қилиш, жиноят ишига қўшилган қимор ўйнашда фойдаланилган 496 дона ўйин карталари, 1 дона “Глория” номли спиртли ичимлик шиша идишини йўқ қилиш, 1 дона DVD дискни жиноят ишида сақлаш лозим деган тўхташга келди.

Бинобарин, суд баён этилганлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 463, 465, 466-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилсин.



.....га Ўзбекистон Республикаси ЖК 278-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида .....га оид илгариги ҳукм билан тайинланган жазолардан қўшимча жазоси тўлиқ, ахлоқ тузатиш ишлари қисман янги ҳукм билан тайинланган жазога қўшиш йўли билан узил-кесил 6 (олти) ой 10 (ўн) кун транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 1 (бир) йил 7 (етти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

..... тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгилансин.

Тайинланган жазо муддати 2025 йил 18 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

.....га нисбатан танланган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Ашёвий далиллар дастлабки тергов даврида АТ “Халқ банки” Наманган вилоят филиалига сақлаш учун топширилган 759.000 сўм пуллар давлат фойдасига мусодара қилинсин.

Ашёвий далиллар 496 дона ўйин карталари, 1 дона “Глория” номли спиртли ичимлик шиша идиши йўқ қилинсин, 1 дона DVD диск жиноят ишида сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида апелляция тартибида, агар иш апелляция инстанциясида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида Наманган вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Т.Мелибоев

